



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 17 сентябрь, № 192 (9087)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НАМАНГАН ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ ОБОД ВА ФАРОВОН ХУДУДЛАРИДАН БИРИГА АЙЛНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 16 сентябрь куни Наманган вилоятига келди.



Худуддаги бунёдкорлик суръати шавкат дарвозаси — аэропортданок кўзга ташланади. Бу ерда 140 миллион доллар инвестиция ҳисобига янги терминаллар барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ўтган йилги ташрифи чоғида ушбу лойиҳа тақдимот қилинган эди. Бугунги кунда қурилиш ишлари жадал.

Хозирги аэропорт туристлар оқимиға кичиклик қиялпти. Уч қаватли қилиб қуриладиган янги терминалда йўловчи ташиш қуввати 2,5 қарра ошади. Чегара назорати ва виза бўлимлари, бизнес зали, савдо ва овқатланиш шохбачалари, тиббиёт хонаси, "Duty free" дўконлари замонавий ташкил этилади.

Шунингдек, аэропортда улкан юк терминали қурилмоқда. У кунига 50 тонна юк ташиш ва 90 та мамлакатға экспорт қилиш имконини беради. Энг муҳими, бу орқали водийда ягона қарго тизими яратилади. Худуднинг бизнес, экспорт ва транзит салоҳияти ошади.

Масалан, бу йил Наманган вилоятиға 1,5 миллион хорижий ва 2 миллиондан ортиқ маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, хизматлар экспортини 210 минг долларға етказиш режалаштирилган. Андижон ва Фарғона вилоятлари экспорти ҳам ошиб борапти.

Аэропортда махсус сервис техникалари ҳам янгиланади. Бу турли ҳажмдаги самолётларни қабул қилиш ва уларға хизмат кўрсатиш имконини беради. Шунингдек, кейтеринг, ёнилғи қўйиш мажмуаси ва бошқа ҳўжалик бинолари қурилади. Янги терминаллар келгуси йил ишға туширилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари аэропорт атрофидаги инфратузилмани унга мутаносиб ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди. Дунёнинг илгор тажрибасидаги каби аэропорт атрофида меҳмонхоналар, савдо ва кўнғилочар мажмуалар, барча замонавий хизматлар бўлиши зарурлиги таъкидланди. Автотураргоҳ ва сервис объектлари таш-

кил этиб, меҳмонлар учун қулайликларни кенгайтириш вазифаси қўйилди. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чуст туманидаги "Мегагон" корхонасининг газ-бетон блоқи ишлаб чиқариш мажмуасида бўлди.

Аҳоли сони ўсиб, урбанизация кенгайиб бораётгани сифатли қурилиш материалларига талабни йилдан-йилға оширапти. Мамлакатимизда қурилиш материаллари тармоғи шунга монанд жадал ривожлантирилмоқда. Замонавий технологиялар олиб келиниб, юқори самарадор маҳсулотлар ўзлаштирилмоқда.

"Наманган" эркин иқтисодий зонасида жойлашган, "Туронбанк" томонидан молиялаштирилган газоблок корхонаси шулардан бири. 40 миллион долларлик ушбу лойиҳа доирасида Хитой, Германия, Дания каби давлатлардан инновацион технологиялар келтириб ўрнатилган. Шу боис ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва самарадорлиги юқори.

Масалан, Германия технологияси энергия тежамкорлиқни таъминлайди. Бундай газоблоктдан қурилган бинони ташқи изоляция қилиш шарт бўлмайди, ичкаридаги иссиқлик ва салқинлик турт қарра ҳам йўқотилади. Натижада электр энергияси харажати 45 фоизгача қисқаради.

Ишлаб чиқаришда "Мегагон" корхонасига қарашли "Наманган цемент"нинг 550 маркали цементидан фойдаланилади. Бу орқали қўшилган қиймат занжир яратилган. Корхонада 500 та янги иш ўрни очилган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги иш жараёни, лаборатория ва маҳсулотларни кўздан кечирди. Мутасаддилар маҳсулот сифати, иссиқ ва совуққа чидамлилиги ҳақида маълумот берди.

— Қурилиш саноатимиз замон талабига мослашиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани яхши, — деди давлатимиз раҳбари. — Бундай инновацион технологияларни импорт улуши юқори бўлган бошқа тармоқ-

ларда ҳам қўллаш керак. Шунда бозорда рақобат, харидорларда танлов бўлиб, жойларда иш ўрни кўпаяди. Бунинг учун изланувчан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Мазкур корхонада йилиға 600 минг метр куб маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу вилоятда гиштға бўлган эҳтиёжнинг 28 фоизини қоплаши кутилмоқда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида автоклав газоблок девори, махсус елим, кимёвий қоришма ва сувокларни маҳаллийлаштириш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Наманган туманида барпо этилган "Тараққиёт" саноат ва сервис зонасидаги лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда тадбиркорларға муносиб шароит яратиш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда технопарк ва кичик саноат зоналари ташкил этилмоқда. Наманган вилоятида бугунги кунда 1,5 минг гектар майдонда 73 та саноат зонаси бор.

Бунинг натижалари Янги Наманган туманидаги Соҳил маҳалласида ҳам яққол намоён. Илгари тадбиркор ва хўнамандлар ўз уйларига чекланган шароитда ишлаган бўлса, эндиликда замонавий инфратузилмага эға яхлит мажмуада фаолият юритмоқда.

Ғиждувон тажрибаси асосида 10 гектар майдонда ташкил этилган ушбу зонада 113 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг барқарор ишлаши учун бюджет ҳисобидан электр энергияси, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, ички йўллар каби зарур инфратузилма барпо этилган.

Натижада йилиға 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қуввати вуҷудға келди, 4 минг 800 та янги иш ўрни яратилди. Ёндшо маҳаллалардан 170 нафар тадбиркор жалб этилгани, 350 дан зиёд хонадонларда кооперация асосида маҳсулот ишлаб чиқариш

йўлга қўйилгани аҳолининг иқтисодий фаоллигини янада оширмоқда.

Яна бир муҳим томони, бу ердаги тайёр ускуна ва амалиётдан фойдаланиб, ишсиз фуқароларни касб-хўнарға қайта ўқитиш имконияти бор. Бу ишсизлик ва камбағаллиқни қамайтириб, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишға хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари автомобилларға техник хизмат кўрсатуви сервис марказлари ишини кўздан кечирди, усталар билан суҳбатлашди.

— Мамлакатимизда янги-янги автомобиль заводлари ишға тушириляпти. Одамларнинг даромади ошиб, машиналар кўпаяпти. Лекин сервис бўйича ҳали имконият кўп. Масалан, чет эл автомобилларига хизмат кўрсатиш етарли даражада эмас. Буни тизимли йўлга қўйиш орқали аҳоли бандлиги ва хизмат сифатини таъминлаш мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис бундай сервис марказларини бошқа туманларда ҳам ташкил этиш, малакали усталарни тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент саноат зонасида ишлаб чиқарилаётган мебеллар кўргазмаси билан ҳам танишди. Маҳаллий саноатни ривожлантириб, тадбиркорларнинг фаолиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг тажриба ортириб, иш топишига қўмаклашиш вазифалари қўйилди.

Бундай мажмуаларда инсонни қадрлаш бўйича ҳам замонавий ёндашувлар бўлиши кераклиги таъкидланди. Ёнгин хавфсизлиги ва техник хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат билан бирға ҳодимларнинг дам олиши учун ҳам қулайликлар яратиш муҳимлиги айтилди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги "Айқирон-1" насос станциясини кўздан кечирди.

Катта Наманган магистраль каналига жойлашган ушбу насос орқали 815 гектар ер сугорилади. Лекин агрегатлар эскириб кетгани сабабли самарадорлик паст, исрофгарчилик кўп эди. Жумладан, ҳар йили тахминан 6 миллион киловатт-соат электр энергияси сарфланарди.

Тадбиркор томонидан давлат-хусусий шериклик асосида бу ерга энергиятежамкор агрегат ва замонавий ускуналар ўрнатилди. Янгиланган тизим йилиға қирқ фоизгача электр энергиясини иқтисод қилиш имконини бermoқда.

Тежамкорлик билан бирға янги насосларнинг сув чиқариш қуввати ҳам юқори. Бу эса далаларни сугориш қўламини ошириб, ҳосилдорлиқни яхшилашға хизмат қилади.

Вилоятда икки юздан ортиқ насос станциялари бор. Улардан 43 таси "Наммотор сув таъминоти" корхонасига давлат-хусусий шериклик асосида 10 йил муддатға бошқарува берилган. Бу жараёнда 40 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилган. Иншоотларға ўрнатилган насос агрегатлари маҳаллийлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари икки йил ичида "Айқирон-1" тажрибаси асосида вилоятдаги барча насос станцияларини модернизация қилиш, буни мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-босқич амалға ошириш бўйича топшириқ берди.

Факат технологияларни янгилаш билан чекланиб қолмасдан, уларни

малакали бошқариш ва тўғри фойдаланиш ҳам муҳимлиги таъкидланди. Илм ва билим билан иш юритилса, модернизациянинг иқтисодий самараси юксалади. Қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик ортиб, озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли турмуш даражаси яхшиланади.

Мутасаддилар келгусида 750 дан зиёд фермер ҳўжалиқларига куёш панеллари орқали ишлайдиган кичик насослар ҳамда томчилатиб сугориш тизимларининг жорий этилиши ҳақида маълумот берди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳрида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган "Фирдавс" кундузги парвариш марказини бориб кўрди.

Мамлакатимиз Конституцияси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси асосида инсонни қадрлаш қўлами кенгайди, бу соҳадаги хизматлар эҳтиёжмандларға яқинлаштирилмоқда. Хусусан, шу йил март ойдан бошлаб Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилди. Бундай лойиҳалар хусусий шериклик асосида, давлат томонидан субсидия орқали амалға оширилмоқда.

Тадбиркор Сайёра Қосимова томонидан ташкил этилган "Фирдавс" кундузги парвариш маркази улардан бири. Марказ 36 ўринға мўлжалланган бўлиб, махсус таълим ва реабилитация хизматлари кўрсатилади. Болалар кун давомида тўққиз соатлик индивидуал ўқув-тренинг дастурлари билан қамраб олинади. Машгулотларни малакали невролог, дефектолог, сурдолог, аудиолог, педагог ва психологлар олиб боради.

Бу хизматдан фойдаланаётган оналар фарзандларига меҳри ва ғамхўрлиги учун Президентимизға миннатдорлик билдирди. Уларнинг айтишича, олдинлари бундай болалар фақат уйда ўтирар, жамиятдан ажралиб қоларди. Янги ижтимоий ҳимоя тизими тўғрйли энди улар ҳам "ёруғликка" чиқаяпти. Ногиронлиги бор болалар инклюзив таълимға, қизиқарли дарс ва машгулотларға жалб этилиб, ҳаётий қўнималарни ўрганапти. Бу ногирон фарзанди бор оилалар учун жуда катта мадад ва таскиндр.

Президент юртимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, бундай ижтимоий лойиҳалар миқёси кенгайтирилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги "Faol hayotga qadam besh xizmat" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди.

Марказ шу йил тадбиркор Хосият Ортиқованинг шахсий маблағи ҳисобидан ташкил этилган. Бу ерда ўзгалар парваришиға муҳтож шахслар учун замонавий қулайликлар, тиббий ва реабилитация хизматлари йўлга қўйилган. Марказ 16 ўринға мўлжалланган.

Бу ерда тиббий мутахассислар томонидан индивидуал дастурлар асосида ҳар кун сайқис соатлик машгулот ўтказилади. Улар инсонларнинг соғлигини тиклаш, функционал имкониятларини ошириш ва ижтимоий ҳаётға қайтаришға ёрдам беради.

Муҳими, ўтган давр мобайнида амалға оширилган муолажалар самара бера бошлаган. Хусусан, саккиз нафар шахсонинг ўз-ўзига хизмат қилиш даражаси яхшиланди, беш нафарининг оила аъзоси ишға жойлашди.

"Фаол ҳаётға қадам" дастури ва кун-

дузги парвариш инсонларға соғлом ҳаётға қайтиш, оилаларға эса иқтисодий ва ижтимоий имкониятларни ошириш имконини бermoқда. Бу хизматлар орқали фақатгина беморлар ҳаётида эмас, балки уларнинг оилаларида, жамиятда ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда.

Мазкур соҳадаги давлат-хусусий шериклик дастуриға республика бўйича 600 нафар тадбиркор қўшилган бўлиб, уларнинг 46 нафари Наманган вилоятида фаолият юритмоқда. "Фаол ҳаётға қадам" дастури билан юртимиздаги ўзгалар парваришиға муҳтож 24 минг фуқаро, кундузги парвариш хизмати билан 3 мингға яқин ногиронлиги бўлган болалар қамраб олинган.

Президент Шавкат Мирзиёев Норин туманидаги "Фишвел Норин" корхонаси фаолияти билан танишди.

Балиқчилик ҳам аҳоли саломатлиги, ҳам озиқ-овқат хавфсизлигида муҳим ўрин тутати. Балиқ мўл бўлиши бошқа гўшт маҳсулотлари нарҳига ижобий таъсир қилади. Уни хонадонларда боқиб оилаларға қўшимча даромад олиб келади.

Мамлакатимизда балиқчилик тармогини ривожлантиришға ана шу жиҳатдан ёндашилмоқда. Серсв туманларда инвестиция ва кооперация лойиҳалари фаол қўллаб-қувватланмоқда.

"Фишвел Норин" корхонаси 3 миллион доллар ҳисобига шундай лойиҳа бошлаган. Икки гектардан зиёд ҳудудда 76 та инновацион ҳавза ташкил этилган. Ҳозирги кунда шундан 40 таси ишға туширилган бўлиб, супер интенсив усулда гулмоҳи балиғи етиштирилмоқда. Умуман, бу ерда йилға 2 минг тонна тансик гўшт етиштириб, 5 миллион долларлик экспорт қилиш мўлжалланган.

Муҳим томони, корхона маҳаллий аҳолини балиқ етиштиришға ўргатапти. Ҳўжақўрғонча маҳалласидаги 25 та хонадон кластер билан кооперация қилиб, ҳар бири йилға 150 миллион сўмгача даромад кўрапти.

Буни янада кенгайтириб, Норин ва Учқўрғон туманларидаги 100 та оилани балиқчиликка жалб этиш режалаштирилган. Жумладан, 2 минг тонна гулмоҳидан 500 тоннаси хонадонларда етиштирилади. Натижада 300 дан зиёд қишлоқ иш билан таъминланади.

Балиқчилик ривожлангани ана бир йўналишни вуҷудға келтирди — корхона ёнида замонавий ресторан ҳам барпо этилди. Унда балиқдан турли хил таомлар тайёрланиб, меҳмонларға тақдим қилинади. Бу туризм ва бошқа хизматлар кенгайишиға ҳам ҳисса қўшапти.

Президентимиз мутасаддиларға республика бўйича гулмоҳи етиштириш мумкин бўлган туманларни аниқлаб, мазкур тизимни оммалаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Нидерландиялик ҳамкорлар билан балиқ озқукиси ишлаб чиқариш, Нориндаги тик қудуқлар ёнида сунъий ҳовузалар ўрнатиб, аҳолиға бўлиб бериш бўйича вазифалар белгиланди.

Айни пайтда Наманган вилоятида мелиоратив қудуқлар атрофида давлат-хусусий шериклик асосида яна 34 та интенсив бассейни барпо этилган. Яна бир жиҳат шундаки, балиқ боқилган сув минералларға бойиши эвазига қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштиришда ишлатилмоқда. Бунда хорижлик мутахассислар тажрибасига таянишмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ ВА УНИНГ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ҲАМЖИҲАТЛИККА АСОСЛАНГАН

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе билан учрашди.

Мулоқот

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан БМТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик, минтақада тинчлик, хавфсизлик ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш бора-сидаги саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинди.

БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази билан ўзаро ҳамкорликнинг ривожланаётгани алоҳида қайд этилди. Трансчегаравий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аёллар ва ёшларнинг тинчлик жараёнларидаги фаол иштироки каби йўналишлар доирасидаги лойиҳаларға ургу берилди.

Учрашувда шу йил октябрь ойида Фарғона шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган биринчи Фарғона тинчлик фору-

миға тайёргарлик кўриш масалаларига эътибор қаратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раислигида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 7-Маслаҳат учрашуви доирасидаги устувор йўналишлар муҳокама марказида бўлди.

2026 йилда ўтказилиши режалаштирилган ёш парламент аъзоларининг 12-Глобал конференцияси юзасидан ҳам фикрлашилди.

Учрашувда гендер тенгликни таъминлаш, "БМТ-аёллар" ташкилотининг ваколатхонасини очиш, аёллар ҳуқуқларини мустақамлаш ва ёшлар салоҳиятини юксалтириш борасидаги ташаббуслар ҳақида ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАР КАФОЛАТИ ВА НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётиға дахлдор масалалар, шу жумладан, болаларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини йўлга қўйишға қаратилган қўнун лойиҳалари атрофидаги қўриб чиқилди. Парламент назорати фаолиятиға доир масалалар ҳам муҳокама марказида бўлди.

Коррупцияға қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза қўриб чиқилди

Депутатлар дастлаб Ўзбекистон Республикасида коррупцияға қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани қўриб чиқди.

Кун тартибидаги масала асосидан Коррупцияға қарши курашиш агентлиги директори А. Бурхонов ахборот берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида коррупцияға қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотлар тизимли амалға

оширилмоқда. Коррупцияға қарши курашиш тўғрисидаги қўнун қабул қилинди. Ҳукумат фаолиятининг очик ва ошқоралигини таъминлаш ҳамда масъулиятини ошириш, бюрократияни қамайтириш ва давлат хизматларини рақамлаштириш, коррупциянинг олдини олишға қаратилган превентив механизмлар амалиётға кенг татбиқ этилмоқда.

Шу йил 5 март куни коррупциянинг олдини олиш борасидаги ишлар натижадорлиги Коррупцияға қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг кенгайтирилган ййғилишида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида муҳокама қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилди.



БОҒЧАДАН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРГА ҚАДАР

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинларини ислох қилиш ва замон талабларига мослаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидадан бири сифатида белгиланган. Шу боис соҳада туб ўзгаришлар амалға оширилмоқда. Хусусан, мактабгача таълимда қамровни кенгайтириш, янги боғчалар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, хусусий секторни фаол жалб этиш ишлари жадал олиб борилаётган бўлса, мактаб таълимида иқтидорли ёшлар учун ихтисослаштирилган мактаблар сони ортиб, замонавий фанларни қуқуқлаштириб ўқитиш йўлга қўйилмоқда.

Муносабат

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, бугун мактабгача таълимдан бошлаб ўқувчиларни замонавий билимлар, қўнималар ва касб-хўнарға йўналтириш, уларға кенг имкониятлар яратиш мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги учун энг муҳим омиллардан бири сифатида қаралмоқда.



НАМАНГАН ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ ОБОД ВА ФАРОВОН ҲУДУДЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

Шу ерда давлатимиз раҳбарига “Ислохотлар штаби” фаолияти юзасидан ахборот берилди. Қайд этилганидек, тадбиркорлар билан биргаликда 1 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларнинг натижасида жами 12 минг иш ўрни, бюджетга қўшимча 200 миллиард сўм тушум, 160 миллион доллар экспорт манбаи пайдо бўлади.

Жумладан, шундай манзилли ишлар орқали Мингбулоқ ва Норин туманлари иқтисодийтини яхшилаш кўзда тутилган. Аҳолига тайёр лойиҳалар бериб ҳамда касбга йўналтириб, бандлигини таъминлаш чоралари белгиланган.

Президентимиз Норин туманидаги “Расулов Ғофуржон ўғли Баҳодир” фермер хўжалиги даласида ҳам бўлиб, пахта терimini кўздан кечирди. Бу ерда хорижий гўза нави экилиб, юқори ҳосил етиштирилган. Кимёвий ишлов беришга учувчисиз аппаратлар, теримга замонавий машиналар жалб этилган. Улар ёрдамида пахта нест-нобуд қилинмай, тоза териб олинayти.

Наманган вилоятига ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари Норин туманидаги Шўрарик маҳалласида ҳам бўлди.

Маҳалланинг шароити огир. Ички йўлар таъмирталаб, кўча чироклари ва лотоклар йўқ. Бу ерда 5 мингдан зиёд аҳоли ишайди. 62 та камбағал оила, 118 нафар ишсиз бор, 157 одам миграцияда.

Аслида, туманлараро йўл бўйида жойлашган маҳаллада тадбиркорлик, савдо ва хизматларни ривожлантириш бўйича имконият кўп. Бўш турган биноларни давлат-хусусий шериклик асосида қувватга киритиш мумкин.

Президентимиз ҳудуддаги муаммолар бўйича аҳоли фикрларини эшитди.

— Энди бу маҳаллани тубдан ўзгартириб, “Янги Ўзбекистон” нафасини олиб кирамиз. Кўчалар обод қилиниб, қиёфаси янгиланади. Одамларнинг яшаш, сайр қилиш, болалари билан дам олиши учун муносиб шароитлар бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга маҳаллани намунага айлантириш бўйича кўрсатма берилди. Жумладан, унга шаҳар муҳитини олиб кириш ва тадбиркорлик учун шароитларни яхшилаш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилади. У асосида жойлар бўлиб лойиҳа ва инфратузилма билан ташаббускорларга тақдим қилинади. Натижада маҳалланинг салоҳияти ошиб, атрофдаги 5 та маҳалла учун марказга айланади.

Замонавий маҳалла гузарига ва сайилгоҳ паркоз этилади, болалар ва спорт

майдончалари, кутубхона, касб ва тил ўргатиш маркази, банк шохобчаси ташкил қилинади. Мактаб ва боғчалар давлат инвестиция дастури доирасида капитал таъмирланади. Кўчалар асфальтланиб, манзарали ва мевали дарахтлар, гул кўчатлари экилади. Эскирган ва ҳосилдорлиги паст боғлар тўлиқ янгиланади. Ижтимоий шартно-ма асосида одамлар ўз уйларини тартибга келтиради.

Умуман, бутун мамлакатимизда қуйи тизимда ишларни “жонлантириш” бўйича қарор ишлаб чиқилаётгани ай-тильди. Туман ва маҳаллаларга янги-ча қиёфа олиб кириш учун бюджетдан жами 5 триллион сўм ажратилади. Жумладан, Наманганда Косонсой ва Норин туманларига 100 миллиард сўмдан, қолган туманларнинг иккита-дан “огир” маҳалласига эса 5 мил-лиард сўмдан йўналтирилиб, уларни меҳнатда намунали, ҳаёти фаровон, тадбиркорликда етакчи ҳудудга айланти-риш чоралари кўрилади.

Утган йили 25 март куни давлати-миз раҳбари Наманган вилоятида янги электр станциялари қурилишини бошлаб берган эди. Бугун улардан бири — “Норин ГЭСлар каскади”нинг дастлабки босқичи ишга тушди.

Президент Шавкат Мирзиёев вил-оятга ташрифи чоғида ушбу энергетика иншоотини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш миллий иқтисодийёт барқарорлигини таъминлашда стратегик йўналиш сифатида белгиланган. Охириги йилларда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарёда ўндан зиёд куёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди. Шу билан бирга, қатор ҳудудларда 450 ме-гаваттли гидроэлектр станциялар фой-даланишга топширилди.

Хозирги кунда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан Но-рин дарёсида 6 та ГЭС каскади қури-лиш бошланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 428 миллион доллардан зиёд, умумий қуввати 228 мегаватт бўлади. Биринчи босқичда “ГЭС-1” ишга ту-ширилди. Энг муҳими, у тўлиқ маҳал-лий маҳсулот ва ускуналар асосида барпо этилди. Шу маънода, уни мам-лакатимиздаги “биринчи миллий ГЭС” дейиш мумкин.

“ГЭС-1” йиллик 171 миллион кило-ватт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу ерда 130 та янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳа натижасида 430 мингта хо-надон электр энергияси билан таъмин-ланади, йилга 290 миллион кубометр газ тежаланади. Бу иқтисодийёт учун

қарийб 300 миллиард сўмлик қўшим-ча манфаат демакдир. Шу жиҳатдан “Норин ГЭСлар каскади” нафақат энергетик, балки ижтимоий ва иқти-содий аҳамиятга ҳам эга.

Ўзбекистон гидроэнергетикаси та-рихида илк бор ушбу лойиҳа доира-сида горизонтал капсула шаклидаги гидроагрегатлар жорий этилди. Улар кичик босим шароитида ҳам юқори са-марадорлиги билан ажралиб туради ва миллий гидроэнергетика соҳасида янги босқични бошлаб бермоқда.

ГЭСда сув тўсиш иншооти ҳам қурилди. Шунингдек, ҳудудда маъму-рий ва хизмат бинолари, диспетчер-лик пункти барпо этилди. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва ҳудудни обод қилиш мақсадида 6 минг туп ман-зарали дарахт экилди, келгуси баҳор-да яна 7 минг туп мевали кўчат экиш режалаштирилган.

Шу жиҳатлари билан бу ер нафақат энергетика, балки экотуризм ва рекре-ация масканига ҳам айланади.

Умуман, “Норин ГЭСлар каскади” — “яшил” иқтисодийётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган стратегик лойиҳа ҳисобланади. 2026 йилда иккинчи ва учинчи, 2027 йилда қолган станция-лар ҳам ишга туширилади. Хар бир станциянинг қуввати 38 мегаватт бўлиб, уларнинг фаолиятида қўшимча иш ўринлари яратилади.

Энергетика тизимидаги бундай йи-рик лойиҳалар аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш, саноат тармоқларини узлуксиз иш-латиш ҳамда иқтисодий самарадорлик-ни оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу ерда Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятини иқти-содий-ижтимоий ривожлантириш чо-ра-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ҳудудда амалга оширилган салмоқ-ли ишлар иқтисодийёт ривожига ва аҳоли фаровонлигида намоён бўлмоқда. Сўнгги саккиз йилда вилоятга 7 мил-лиард доллар хорижий инвестиция киритилган, 8 мингга яқин янги кор-хоналар ишга тушган. Экспорт қили-наётган маҳсулотлар тури 2 карра кўпайиб, 1 миңдан ошган.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини 82 фо-изи кичик бизнес ва тадбиркорлик ор-қали рўзгор тебратаяпти. Аҳолининг реал ўртача даромади 3 баробар ошди. Мухими, бундай ўзгаришларни Наманган аҳли ўзининг кундалик ҳаётида ҳис қилаяпти.

Йиғилишда бу суръатни давом эттириб, натижадорликни янада ошириш имкониятлари таҳлил қилин-ди. Хусусан, йил якунигача 4 мил-

лиард 200 миллион доллар инве-стиция олиб келиш, экспортни 1 мил-лиард долларга етказиш, 323 минг одамни ишли қилиш, 26 минг оила-ни камбағалликдан чиқариш вазифа-си қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларни обод қилиш бўйича муҳим ташаббус-ни илгари сурди. Унга кўра, юртимиз-да “Тараққийёт ва етакчилик маскани” дастури амалга оширилади. Ушбу дастурга Фарғона, Самарқанд ва Тош-кент вилоятларидаги 4 тадан, қолган ҳудудлардаги 2 тадан туман, шунинг-дек, республика бўйича энг “огир” 328 та маҳалла киритилади.

Қисқа вақт ичида Наманганда кам-бағаллик 2,5 баробар камайган. Тад-биркорлик лойиҳалари кўпайгани, ўртача ойлик ошгани ҳисобига икки йилда миграциядаги 62 минг одам қайтган.

Ислохотлар штабига вилоятдаги хушманзарга жойлар бўйича мастер-режа ишлаб чиқиб, амалга оширила-диган лойиҳалар ҳисобига кейинги йилда 50 минг одамни ишли ва даро-мадли қилиш топширилди. Поп, Тўра-қўрғон, Уйчи, Учқўрғон ва Чўстдан ўтган дарё ва сой ўзланларининг 40 кило-метр қисмида кам 650 та сервис объектини қуриб, 10 минг одамни да-ромадли қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда вилоят саноатининг учдан бири, экспортнинг ярми тўқи-мачилик соҳасига тўғри келади. На-манганлик тадбиркорлар бренд билан ишлаш бўйича республикада етакчи.

Инвестиция олиб келиш ва бренд-лар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун бир ойда вилоятда алоҳида лойиҳа офиси очилди. Халқро сер-тификат олган текстиль корхоналари 50 тага етказилади.

Мутасаддиларга йил якунигача Вар-шава ва Лондонда камида 1 минг квад-рат метри савдо уйларини ташкил қилиш топширилди. Умуман, вилоятда бу йил тўқимачилик маҳсулотлари экспортни 500 миллион долларга етказиш, икки йилда 1 миллиард долларлик 25 та йирик лойиҳани ишга тушириш мумкинлиги қайд этилди.

Йил бошидан бўён вилоятга 1 мил-лион 200 минг хорижий, 2 миллион маҳаллий сайёҳ келган, туризм экс-порти 200 миллион доллардан ошган. Шунга мос равишда туризм инфра-тузилмасини ҳам ривожлантириш керак. Лекин Намангандаги энг жозиба-ли ҳудудлардан бири — Чортоқ тумани имкониятлари тўлиқ ишга солин-маяпти. Туристар учун онлайн маъ-лумот олиш, жойни олдиндан банд қилиш, маданий ҳордиқ чиқариш каби

оддий хизматлар ҳам йўлга қўйилма-ган.

Шу боис Чортоқ бутун йил давоми-да хизмат кўрсатадиган водийнинг ту-ризм ҳабиға айлантирилиши айтилди. Бундай лойиҳалар инфратузилмаси учун 50 миллион доллар ажратилади. Жаҳон банки билан Ўрта шаҳарлар-ни ривожлантириш лойиҳаси доира-сида бу йил “Фурқат” боғи реконст-рукция қилиниб, ҳудуди қарийб 2 бар-обар кенгайтирилади. Чортоқсой бўйлаб 11 километр узунликда пиеда-лар ва велосипед йўлаклари қури-лади.

Жадал комплекс ривожлантириш дастури доирасида Чортоқсой ва Кат-та Наманган канали қирғоқларининг 7 километри бетонлаштирилиб, 30 гек-тар ер фойдала майдонга айлантири-лади. Бу ердаги кўп йиллик боғлар билан уйғун ҳолда санаторий типидаги йирик сервис объектлари барпо эти-лади.

“Чортоқ” сув омбори атрофида ту-ризм комплекси, меҳмонхона, ресто-ран, дам олиш ва кўнғилочар маскан-лар ташкил қилинади. Поп туманида-ги Арашан кўли атрофида 1 минг 200 гектар майдонда йилгига 1 мил-лион сайёҳни қабул қиладиган йирик туризм мажмуаси барпо этилади.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш мақ-садида кейинги ўқув йилидан Австрия-нинг Кремс университетига билан Наманган давлат университетида қўшма факультет ташкил қилинади.

Президентимиз ижтимоий инфра-тузилмани ривожлантириш масалалари-га алоҳида эътибор қаратди.

Уйчи, Учқўрғон ва Норин туманла-рини вилоят маркази ва бошқа туман-лар билан боғловчи асосий йўл тир-банд бўлиб келаятган эди. Шу боис 63 миллиард сўм ҳисобига Норин дарёси устидан 480 метр узунликдаги янги кўприк қуриломоқда.

Шунингдек, Қорадарё устидаги 63 йил олдин қурилган Наманган ва Андижон вилоятларини боғловчи 180 метрли эски кўприкни реконст-рукция қилиш бошланди. Бунинг натижа-сида транспорт қатнови 2 баробар ошади, йўлга кетадиган вақт 1,5 кар-ра қисқариб, тирбандлик камаяди. Ушбу кўприклар келгуси йилда ишга туширилади.

Вилоят марказини пойтахт билан боғлайдиган, кунига 15 минг транс-порт ҳаракатланадиган Пунгон — На-манган йўлининг 75 километри ре-конструкция қилинади. Бу йўл 246 мил-лион доллар ҳисобига 4 тасмали, бе-тон қопламали қилиб қурилади.

Вилоятдаги 30 та маҳаллага мар-казлашган ичимлик суви етиб борма-

гани, тармоқларнинг 21 фоизи таъмир-талаб экани кўрсатиб ўтилди. Канали-зация билан боғлиқ масалалар юза-сидан ҳам муружаатлар кўп.

Шунинг учун бу йил вилоятда сув тизимини яхшилашга 800 миллиард сўм ажратилди. Мутасаддиларга йил якунигача 130 километр сув ва кана-лизация тармоғи, 11 та сув иншооти қурилишини яқунлаб, фойдаланишга топшириш вазифа қилиб қўйилди.

Наманган шаҳри аҳолисини ичим-лик суви билан таъминловчи 70 йил олдин қурилган “Қурашқона” сув ин-шооти бугунги кунда 50 фоиздан кам қувватда ишламоқда. Европа тикланиш ва тараққийёт банки билан ҳамкорлик-да бу иншоот реконструкция қилини-ши белгиланди.

Яқинда Наманган аҳолиси бир мил-лионли шаҳарга айланади. Бу ша-роитда боғчаларни кўпайтириш жуда долзарб экани таъкидланди.

Бу борада тадбиркорларга бир қатор енгилликлар эълон қилинган эди. Улардан унумли фойдаланиб, Наманган шаҳрида бу йил 5 минг, кейинги йил 15 минг ўринли боғча ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Вилоятдаги 49 та техникумда хорижий стандартлар ва дуал таълим жорий этилиши айтилди.

Сўнгги уч ойда “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида 3 мингга яқин муҳ-тож инсонларга қараб туриш хизмати йўлга қўйилди. Натижада бу билан банд бўлган 350 киши ишга жойлаш-ган. Ижтимоий ҳимоя миллий агент-лигига эндиликда деменция ва Пар-кинсон билан оғриган одамлар учун ҳам қараб туриш хизматини йўлга қўйиш топширилди.

— Бугун сизлар билан шаҳар ва ту-манларни ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш бўйича янги марраларни белгилаб ол-дик. Агар биз бирлашсак, бундан ҳам катта натижаларга эриша оламиз. Иш-нинг кўзини биладиган, тадбиркор ва меҳнатсевар наманганликлар билан вилоятни юртимизнинг энг обод ва фар-овон ҳудудларидан бирига айланти-разим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган вазифалар бўйича ҳудуд ва тармоқлар раҳбарла-ри ахборот берди, тадбиркорлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан мулоқот бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вил-оятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВАЛБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Ўза Мажхус мухбирлари.

БОҒЧАДАН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРГА ҚАДАР

9 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача таълим ва мактаб таълими тизимидаги ислохотлар, уларнинг ижроси ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам соҳанинг барча бўғинлари — мактабгача босқидан тортиб ихтисослаштирилган мактабларга қадар қамраб олинди. Йиғилишда илгари сурилган ташаббуслар нафақат билим сифати, балки ёшларнинг тарбияси, бандлиги, интеллектуал салоҳияти ва келажакдаги иқтисодий ривожланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, таълимнинг пойдевори айнан боғчаларда қўйилади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши, интеллектуал қобилияти ва ижтимоий қўниқмалари кейинчалик мактабда муваффақиятга эришишни-га замин яратди. Шу боис давлат-хусусий шериклик асосида боғчалар қурилиши нафақат орқавони ошира-ди, балки рақобат орқали сифатни ҳам яхшилайди. Аммо бунда муҳим вазифа — тарбиячилар салоҳияти.

Йиғилишда таъкидланганидек, давлат боғчаларида атғи 38 фоиз, хусусийларда эса 24 фоиз тарбиячи олий маълумотли. Шу сабабдан “5 кун ишлаш — 1 кун ўқиш” тамойи-ли асосида тарбиячиларни олий маъ-лумотли мутахассис даражасига кўта-риш ташаббуси долзарб ва самара-ли қарор сифатида баҳоланади.

Айтиш жоиз, сўнгги йилларда иқтидорли ўқувчилар учун 201 та их-тисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Янги ўқув йилидан бошлаб юқори синфларда сунъий интеллект бўйича дарслар ўтилиши, 2 минг синф хонасининг компьютер ва ин-терфаол доскалар билан жиҳозлани-ши ҳамда информатика дарслари-нинг кенгайтирилиши ўқувчиларни келажак касбларига тайёрлашнинг амалий кўрinishидир.

Бугун дунё иқтисодийёти рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва робототехника асосида ривожлан-моқда. Шу нуктаи назардан, Ўзбекис-тонда мактаб таълимига замонавий технологияларни киритиш ёшларнинг глобал рақобатга тайёр бўлишини таъминлайди.

Шу билан бирга, олис ҳудудлар-даги болаларнинг мактабга узок ма-софадан қатнаши долзарб муаммо



бўлиб қолмоқда. Президент ташаб-буси билан мактаб автобуслари жо-рий этилиши ушбу муаммони сези-ларли қамайтиради.

Йиғилишда ёшлар тарбияси ва бандлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Миллий қадри-ятлар ва замонавий компетенциялар уйғунлашган “Миллий тарбия моделе-йи” яратилиши айтилди. Шунингдек, “Келажак” марказлари ташкил эти-либ, болалар муҳандислик, илм-фан, маданият, санъат ва спорт йўналиш-ларида қўшимча билим олиши мум-кин бўлади. Ёшларнинг қобилияти-ни юзага чиқариш учун мактабдан ташқари ўқув муҳим аҳамиятга эга. “Баркамол авлод” ва бошқа марказ-лар негизида “Келажак” марказлари очилиши ёшларни нафақат билимли, балки ижодкор, спортчи, китобхон сифатида шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса миллат интеллектуал салоҳиятини янада оширади.

Давлатимиз раҳбари ёшларимиз-нинг касб-хунари бўлиши ва улар-нинг доимий даромад топиши учун шароит яратиш энг долзарб масала эканини таъкидлади. Юртимизда 598 та техникум бўлишига қарамай уларга қизқиш паст. Шу боис Кас-бий таълим агентлиги ташкил эти-либ, техникумларда халқро стандарт асосида таълим, дуал тизим, инвес-тор буюртмасига кўра кадр тайёр-лаш жорий қилиниши айтилди.

Бугунги кунда дунё миқёсида ах-борот технологиялари, муҳандислик ҳамда табиий фанлар соҳаларига бўлган аҳтиёж тобора ортиб бормоқ-да. Зеро, муҳандислик соҳаси сано-атнинг барча тармоқларида пойде-вор вазифасини ўтайди. Энергети-ка, транспорт, қурилиш, ишлаб чиқариш ёки қишлоқ хўжалигининг самарали ишлаши бевосита муҳан-дислик ечимларига боғлиқ. Хозирги

кунда замонавий муҳандислик мута-хассисларидан назарий билимгина эмас, амалий тажриба, креатив фикр-лаш ва технологияларни тезкор қўллаш талаб қилинмоқда. Шу боис ҳам таълим тизимида амалий маш-ғулотлар улуши оширилиб, олий ўқув муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик кучаймоқда.

Табиий фанлар — математика, фи-зика, кимё, биология ва бошқа соҳа-лар эса барча инновацион ютуқлар-нинг асоси саналади. Фундаментал фанлардаги янгиликлар муҳандислик ва IT йўналишларида янги техноло-гияларнинг пайдо бўлишига замин яратаяди. Масалан, кимё ва биолог-иядаги изланишлар янги дори восита-лари ва материалшunosликка хизмат қилса, математика ва физика сунъий интеллект алгоритмларини тақомиллаштиришга асос бўлмоқда. Шу жиҳатдан қаралганда, табиий фанлардан чўқур билимга эга бўлган ёшлар ҳар бир даврда стратегик ресурс ҳисобланади.

Йиғилишда, айниқса, иқтидорли ёшлар учун янги имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, эндиликда ви-лоятларда ахборот технологиялари-га ихтисослаштирилган Ал-Хоразмий, муҳандислик бўйича Мирзо Улўғбек, табиий фанлар йўналишида эса Ибн Сино мактаблари филиаллари таш-кил этилади. Ушбу таълим маскан-лари ўз ҳудудидаги техника олий ўқув юртиларига бириктирилиши белгилан-ди, яхши натижага эришган бити-рувчилар тўғридан-тўғри олийоҳлар-ни 2-курсига қабул қилиниши таъ-кидланди.

Бу ташаббус мамлакатимиз таъ-лим тизимида муҳим янгилик сифа-

Ушбу ташаббуслар Ўзбекистон таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Асосийси, бу тизимнинг барча бўғинлари бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Ҳар бир ташаббус, яъни мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, мактабларда сунъий интеллект дарсларини жорий этиш, халқро олимпиадалар ўтказилиши, ёшлар учун қўшимча марказлар очиш ва касбий таълимни ислоҳ қилиш — мамлакат келажакни янада ёрқинлаштиришга қаратилган. Таълим ислохотлари нафақат билимли авлодни тарбиялайди, балки уларни меҳнат бозорида рақобатбардош, миллий қадриятларга содик, замонавий фикрлайдиган мутахассис сифатида шакллантиради.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИНИНГ СЕНАТГА ТАШРИФИ



Маълумки, 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунни мамлакатимизда ҳар йили кенг нишонланади.

Учрашув

Шу муносабат билан кеча Олий Мажлис Сенатига барча ҳудудлардан келган 250 дан ортиқ таълим фи-дойилари — соҳанинг масъул ходимлари, мактабгача таъ-лим тақсилотлари, мактаблар

ва олий ўқув муассасалари педагоглари ташриф буюрди. Сенат аъзолари ва устоз-лар мамлакатимизда педагог ҳамда мураббийлар макрми, меҳнат шароитларига қарати-лаётган эътибор, соҳанинг ҳуқуқий асосларини тақомил-лаштириш, ўқитувчилик кас-

би нуфузини ошириш, таълим соҳасини ривожлантиришга доир долзарб масалаларни муҳокама қилди.

Учрашувда соҳа мутахас-сисларининг фидокорона меҳнати ҳамиятимизнинг тур-ли жаҳдаларида ўз самара-сини бераётгани, ўсиб ке-лаётган авлоднинг тарбияси-да, пировардида унинг ҳаёт йўлини танлашда ўз аксини топаётгани таъкидланди.

Мактабгача ва мактаб таъ-лими, олий ўқув юртиларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот мобайнида педа-гоглар томонидан таълим ти-зимини тартибга солувчи қонунчиликни тақомиллашти-риш жараёнида, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга бўлган тақлиф ва ташаббуслар илга-ри сурилди.

«Халқ сўзи».

ЕРЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Мамлакатимизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга ошириломоқда.

Ўрганиш

Президент Фармон ва қарорларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни самарали ташкил этиш, ер майдонларидан унумли фой-даланиш, яйлов ва ўрмон фондларида озуқа-боп экинлар етиштириш ҳамда чорвачиликни ривожлантириш каби устувор вазифалар бел-гиланган.

Уларнинг ижросини ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжали-ги масалалари ва экология қўмитаси раиси А. Тўйчиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент вилоятида амалий ўрганишлар олиб борди.

Ишчи гуруҳ даставвал вилоят ҳокимлигида соҳа мутахассислари билан мулоқот ўтказди. Унда бушаган ер майдонларини

Сенаторлар — ҳудудларда

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова Хоразм вилоятида қатор учрашувлар ўтказди. Уларда Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўрилган масалалар мазмун-моҳияти ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Глобал ўзгаришлар шароитида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва ёш авлод таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Шу маънода, сенатор Ҳазорасп туманидаги 30 ҳамда 42-умумий ўрта таълим мактабларини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ижроси билан танишди.

Ургач шаҳрида эса аҳоли ва ёшларнинг бандлиги масалалари ҳамда мавжуд муаммоларни жойида ҳал этишга қаратилган ишларни ўрганди. Бугунги кунда 156 мингдан зиёд аҳоли исти-

қомат қилаётган шаҳарда ишсизлик даражаси 4,8 фоизни ташкил қилаётгани қайд этилди. Ишсиз фуқароларнинг муурожаатлари эшитилиб, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, сенатор халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари котибиятлари раҳбарлари, сиёсий партия вакиллари билан мулоқот қилди. Унда туман ва шаҳарларда “Коррупциядан холи ҳудуд” тамойили асосида “йўл хариталари” ҳамда комплекс дастурлар ижроси ҳақида фикр юритилди.

«Халқ сўзи».

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Аёллар тадбиркорлиги бўйича молиявий кодекс — “WE-Finance Code” халқаро ташаббуси мамлакатимизда жорий этилишининг бир йиллик натижаларига бағишланган тақдиротда қатнашди.

Тақдимот

Таъкидланганидек, 2024 йил Олий Мажлис Сенати ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ушбу ташаббус доирасида ҳамкорликка оид ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унга мувофиқ “WE-Finance Code” ташаббусини мамлакатимизда амалга ошириш бўйича бош мувофиқлаштирувчи ташкилот сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган.

Айни пайтда ушбу ташаббус дунё бўйича 30 дан ортиқ давлатларда, шу жумладан, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғулистон ва Ўзбекистонда татбиқ қилинмоқда. Ўзбекистон

эса мазкур ташаббус доирасида миллий кодекс (Низом) ишлаб чиққан минтақадаги илк давлат сифатида эътироф этилган.

Сенатор ўз сўзида мазкур ташаббус Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлиги ривожига хизмат қилаётгани, бу борадаги ютуқлар эса мамлакатдаги инклюзив иқтисодий сиёсатни янада мустаҳкамлаётганини таъкидлади.

Шунингдек, раҳбар-аёллар бўйича гендер статистикасини акс эттирувчи янги маълумотлар платформаси тақдим қилинди ҳамда “WE-Finance Code” ташаббуси доирасидаги натижалар тахлилдан ўтказилди.

«Халқ сўзи».

БИЛИМЛИ, ТАРБИЯЛИ, МАҚСАДЛИ ЁШЛАР ЖАМИЯТИ

Ҳар бир юксак тараққиёт йўлини танлаган давлат, энг аввало, таълимни устувор йўналиш сифатида белгилайди. Бугун биз янги Ўзбекистон сари дадил интилар эканмиз, бу йўлдаги энг кучли таянчимиз — устозлар, мураббийлар, таълим фидойиларидир. Шу маънода, устозлик — бу оддий касб эмас. У жамиятни тарбияловчи, келажакка йўл кўрсатувчи, миллат тақдирини белгилловчи буюк шахс.

Фикр

Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида соҳа ходимлари билан ўтказган мулоқоти нафақат самимий қутлов, балки стратегик қарорлар, амалий режаларга бой тарихий учрашув бўлди. Депутат сифатида ушбу тадбирда илгари сурилган ташаббус ва ёндашувлар билан танишар эканман, бир нарсаги чуқур англадим: таълимга нисбатан бугунги ёндашув фақат ишлохот даражасида эмас, балки юрт келажагини таъминловчи энг муҳим сиёсий устуворлик даражасига кўтарилди.

Албатта, бу ташаббусларнинг ҳар бири таълим тизимини тубдан ўзгартираётган кучли, изчил ва халқпарвар сиёсат маҳсулидир. Бугунги кунда мактабга таълимдан тортиб, техникумлар ва олийгоҳларгача бўлган барча бўғинларда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлар айнан инсон капиталига ёндашувда сифат жиҳатдан янги босқич бошланганини англатади. Устозга эътибор берилётган жамиятда фарзандлар орузлари рўёб топади, маҳалаларда тотувлик мустаҳкамланади, миллий бирлик кучаяди.

Айтиш жоизки, илгари сурилган ҳар бир ташаббус замирида ҳаётий ҳақиқатлар, жойлардаги муаммолар таҳлили ва энг муҳими, одамларнинг орзу-интилишларига бўлган ҳўрмат муқассам. Мисол учун, педагоглар фарзандлари учун олий таълим шартнома тўловиға 30 фоизлик чегирма, камиди 15 йиллик меҳнат стажига эга устозларға ипотека бошланғич бадалининг 25 фоизини қўллаб бериш, устозлар учун компьютер харидига имтиёзли кредитлар, давлат хизматлари учун тўловлар бўйича енгилликлар, халқаро ва миллий сертификатлар учун устамалар — буларнинг барчаси моддий рағбатгина эмас, устоз деган муқаддас номға қўрсатилаётган ҳўрматдир.

Мактаб таълимининг янги концепцияси доирасида 9 ва 11-синфларда ягона давлат имтиҳонларининг жорий қилиниши, ўқувчиларни эрта касбга йўналтириш орқали уларнинг қобилиятини тўғри шақллантириш имконияти пайдо бўлди. Бу “ўқувчи — ота-она — устоз” училигини яқинлаштирадиган, уларнинг ҳаракатини ягона мақсадға йўналтирадиган муҳим босқичдир.

Техникумлар тизимида халқаро стандартлар асосидаги дуал таълим, инвесторлар билан тўғридан-тўғри алоқаға киришган техникумлар учун устакхона ва жиҳозлар ажратилиши, халқаро сертификат асосида ўқитувчиларға устама тўлимини соҳани нафақат ўқитувчининг, балки бутун жамиятнинг эътибор марказига олиб чиқмоқда. Техникумлар, бу — келажақ меҳнат бозорининг локомо-



тиви. Ана шу тизимда устозлик қилаётган педагогларға бундай рағбатлар берилиши эса уларнинг меҳнатини кўзга қўйишлари даражада оширади.

Олий таълим борасида айтиш жоизки, дунёнинг етакчи университетлари билан қўшма дастурлар, “ТОП — 100” ва “ТОП — 300” таликдаги олийгоҳлар билан ҳамкорликда филиаллар очилиши, илгори йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган таълим тизими яратилиши, илмий фаолиятға йўналтирилган рағбатлантириш механизми — буларнинг барчаси келажаки илм орқали қуришға тайёргарлиқнинг узвий қисмларидир.

Устозларнинг ижтимоий ҳаётини яқинлашға янада кўпроқ эътибор қаратилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу ерда гап фақат маош ёки имтиёзда эмас, балки устознинг жамиятдаги ролинини қайта белгилаш, уларнинг ички ишонч ва мотивациясини тиклаш, педагогиканинг маънавий кучини жонлантириш ҳақида бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган “Биз учинчи Ренессанс пойдеворини қураёмиз” деган сўзлар шунчаки шир эмас. Бу ҳар бир педагог, ҳар бир таълим муассасаси зиммасига қўйилган масъулиятдир. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида биз ҳар бир устозға таянғимиз. Демак, устозға эътибор — бу келажақ пойдеворининг мустаҳкамлигидир.

Албатта, бу ташаббуслар жамламаси таълим соҳасининг кенг қўламли стратегик ишлохот бўлиб, унинг самаралари бугун ҳаётда ўз аксини топмоқда. Депутат сифатидаги энг асосий вазифамиз ушбу эзгу ташаббусларнинг жойларда тўлиқ ва сифатли амалға оширилишини назорат қилиш, педагогларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва уларнинг фидокорона меҳнатини ҳар доим юксак қадрлашдан иборат. Зеро, янги Ўзбекистон — билимли, тарбияли, мақсадли ёшлар жамияти. Бундай жамият эса фақатгина кучли таълим тизими, юксак савияли устозлар билан бўнёд этилади.

Махсуд МУҲАММЕДОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАР КАФОЛАТИ ВА НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИ



2024 йилда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлохотларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун имзола-ниб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишининг ҳуқуқий асослари яратилди. Агентлик томонидан 2024 йилда 111 та давлат харидида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл қўйилгани юзасидан вазирлик ва идораларға 57 та тақдимнома, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларға 54 та сўровнома киритилиб, 75 та ҳолатда харидлар бекор қилиниши таъминланди.

Шунингдек, давлат харидлари махсус ахборот порталини товар (иш, хизмат)лар нархларининг жамоатчилик учун шаффофлиги таъминланди. Давлат органлари ва ташкилотларида очикликка эришиш бўйича масофавий мониторинг қилиш тартиби, давлат харидларида ягона етказиб берувчилар реестрига киритишнинг маъмурий регламенти, давлат органлари ва ташкилотларининг очикликка масъул ходимларини ўқитишға мўлжалланган “E-learning” таълим платформаси (data.anticorruption.uz) ишға туширилди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқаришға оид фаолиятини рақамлаштириш ахборот тизими (hrm.args.uz) йўлга қўйилди.

Мажлисида айтилганидек, 2024 йилда давлат бошқарувида бюрократияни қисқартириш, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали коррупцияга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш, давлат хизматларини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилди. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳолиға кўрсатиладиган хизматлар сонини 710 тадан ошди.

Хусусан, пенсия тайинлаш учун ариза бериш, тиббий маълумотнома олиш, кам таъминланган оилаларға болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашға ариза бериш, нафақа тайинлаш, меҳмонхона қуриш учун субсидия ҳамда талабалар учун таълим кредити олиш, давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш ва бошқа хизматларнинг электрон шаклга ўтказилиши бюрократия ва коррупция омилларини камайтиришға хизмат қилмоқда.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билиминини узлуксиз ошириб бориш мақсадида “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформаси ишға туширилди. Судлар томонидан мансабдор шахсларнинг бекор қилинган қонунчилик қарорлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор



этиш тизими яратилиб, Олий суднинг интерактив хизматлари порталида (public.sud.uz) давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг қонунчилик қарорларини бекор қилиш ҳақидаги суд қарорларини очик эълон қилиб бориш тартиби йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, “Open data inventory” рейтингига Ўзбекистон 195 та давлат ичиди 12-ўринни эгаллаб, 2022 йилдаги нисбатан 18 поғонаға яқинлашди. Марказий Осиё давлатлари орасида эса 1-ўринни эгаллади.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида амалға оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, ушбу соҳада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Манфаатлар тўқнашуви, давлат харидлари, давлат органларининг очиклиги

ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир қилинишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўлиқ бартараф этилмаётгани танқид остиға олинди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган талаблар тўлиқ ижро этилмаддан қолаётгани, Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишлари якуниға етказилмагани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Халқ вакиллари агентлик томонидан коррупцияға оид, биринчи навбатда, мамлакат миллий манфаатларига ва халқаро имижига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни комплекс таҳлил қилиш, бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализацияси, инвестиция лойиҳаларининг амалға оширилиши билан боғлиқ материалларни ўрганиш, мансабдор шахсларнинг қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилаётган назорат самарадорлигиға эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Мажлисида соҳани тақомиллаштириш ҳамда агентлик томонидан амалға оширилиши лозим бўлган қатор таклифлар ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Болаларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизими тақомиллаштирилмоқда

Мажлисида болаларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштиришға қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан тақомиллаштиришға қаратилган кенг қўламли ишлар амалға оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларға болаларни жинсий зўравонлиқлардан ҳимоялаш, болалар тасвирланган порнографик маҳсулотларни сақлаганлик учун жавобгарлиқни белгилашнинг назарда тутувчи, шунингдек, Жиноят-процессуал кодексига вояға етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш муддатларини аниқ белгилловчи ўзгартиришлар киритилляпти.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишға тайёрлаш давомида масъул қўмита томонидан муайян ишлар амалға оширилгани, жумладан, сиёсий партиялар фракциялари, ишчи гуруҳ аззолари, ҳуқуқшунос ва олимлар иштирокида бир қатор йўғилишлар, семинарлар ўтказилгани қайд этилди.

Фракциялар томонидан берилган барча таҳлифлар чуқур таҳлил қилиниб, улар асосида ҳужжат матни тақомиллаштирилгани ва маромига етказилгани таъкидланди.

Мажлисида қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш қанолатларини қучайтиришға хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатға юборилди.

Қонунчиликка исломий банк фаолиятини жорий қилишға оид ўзгартиришлар киритилмоқда

Бугунги кунда молия бозориди янги молиявий маҳсулот ва хизматларни жорий қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда қонунчиликка тегишли ўзгарти-

риш ва қўшимчалар киритиш зарура-ти юзға келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини йўлга қўйишға қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мажлисида ушбу ҳужжат муҳокама марказида бўлди.

Лойиҳа билан Солиқ ва Фуқаролик кодекслари ҳамда 8 та қонунға ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, қонунчиликка исломий банк, молия операциялари ва стандартлари ҳамда инвестициявий депозит тушунчаларини киритиш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасида исломий банк фао-



лиятини амалға ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни жорий қилиш назарда тутилиб, мазкур лицензияни олиш бўйича аниқ талаблар ҳам белгиланмоқда. Шу билан бирга, исломий банк фаолиятини амалға ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияға эга банклар томонидан амалға ошириладиган молия операциялари белгиланб бериляпти.

Халқ вакиллариининг фикрича, қонун лойиҳаси аънавий молиявий хизматларға мўқобил хизматларни жорий қилиш ҳамда молиявий оммабоплиқни оширишға қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор аниқлаштирувчи саволлар берилди.

Қонун ташаббускорларининг тушултиришларидан сўнг у биринчи ўқишда қабул қилинди.

Аҳолини спортға жалб қилиш — саломатлик гарови

Қонунчилик палатасининг 19 август кунини бўлиб ўтган мажлисида Спорт вазири А. Икромовға “Аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан, жисмоний имконияти чеklangан ва ногиронлиги бўлган шахслар орасида жисмоний тарбия ва спорт бўйича оммавий тадбирларни ташкил этиш борасида амалға оширилаётган ишлар тўғрисида” парламент сўрови юборилган эди.

Унда спорт мактабларининг мослаштирувчи спорт турлари бўйича жиҳозланганлик ҳолати, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, ногиронлиги бўлган шахсларға спорт билан шугулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалға оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушултиришлар бериш сўраланди.

Мажлисида депутатлар мазкур парламент сўровига юборилган жавобни қўриб чиқди.

Унда келтирилишича, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалладан бошлаб спортни оммалаштириш ва аҳолининг кенг қатламларини спортға жалб қилиш бўйича йўлга қўйилган яхлит тизим йилдан-йилға кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда республикада жами 1 миллион нафарға яқин ногиронлиги бўлган шахсларнинг 80 минг нафари 19 та спорт тури билан шугулланиб келляпти.

Маҳаллалардаги ногиронлиги бўлган шахсларни оммавий спортға, жумладан, “Беш ташаббус паралимпиадаси” спорт мусобақаларига янада кенгроқ қамраб олиш мақсадида жорий йилдан бир қатор қулайликлар яратилиб, мусобақа иштирокчиларининг ёшиға бўлган чеклов бекор қилинди. Спорт турларининг сонини 6 тадан 13 таға кўпайтирилди.

Оммавий спорт мусобақаларида голиб ва совриндор бўлган, ҳудудида спорт инфратузилмаси ривожланмаган маҳаллаларға 2022 — 2024 йиллар давомида 1 369 та спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишға топширилди. 2025 йил якуниға қадар жами маҳаллаларда 400 та спорт майдончаси қурилиши белгиланган.

Вазир жавобида келтирилишича, бугунги кунда вазирлик тизимидаги спорт-таълим муассасалари, Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари тиббиёт жиҳозлари ва буюмлари билан таъминланган. Биргина 2025 йилнинг ўтган даврида спорт-таълим муассасалари 12 номдаги 1 962 та тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Олимпия ва паралимпия марказларига 2024 йилда Спорт вазирлиги томонидан 7000 донга ўқувчилар спорт формаси, 2,7 млрд. сўмлик оғир атлетика спорт жиҳозлари марказлашган ҳолда етказиб берилган.

Имконияти чекланган спортчиларға зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари пара спортчиларни ётоқхоналарнинг биринчи қаваитидан хоналар ажратиб, киришчиқаш жойларига пандуслар ўрнатилган.

Бугунги кунда имконияти чекланган шахсларни спортға кенг жалб этиш учун спорт-таълим муассасаларида бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, уларнинг адаптир турлари билан оммавий ва профессионал шугулланиши учун имкониятлар кенгайтирилган.

Мажлисида вазирлик томонидан ногиронлиги бўлган шахсларға спорт билан шугулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича муайян ишлар амалға оширилаётгани қайд этилиб, депутатлик корпуси мазкур масала ижроси устидан доимий парламент ва депутатлик назоратини таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

Парламент сўровига жавобда қўтарилган масалалар бўйича атофлича маълумотлар тақдим этилгани айтилиб, Спорт вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Ёшлар ишлари агентлигиға парламент сўрови юборилди

Мажлисида Ёшлар ишлари агентлигиға ёшларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш ҳамда уларни касб-хунарға ўқитиш орқали бандлигини таъминлашға қаратилган чора-тадбирларнинг амалға оширилиши тўғрисида парламент сўрови юборилди.

Таъкидланганидек, бугунги глобаллашув жараёнида, рақобат муҳити ва технологиялар ривожининг тезкор суръатлари ёшлардан замон талабига жавоб берадиган билим ва қўникмаға эга бўлишни тақозо қилмоқда. Бу эса ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказиш, уларни замонвий касб-хунарларға ўқитиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада қучайтиришни, мазкур йўналишларда белгиланган вазифалар ижросига алоҳида ёндашшни талаб этади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг сйллов округларидаги учрашувлари ҳамда ҳудудларда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари давомида соҳада ҳали ўз ечимини қутаётган масалалар мавжудлиги аниқланди.

Хусусан, айрим ҳудудларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказиб келинаётган “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг маҳаллалардаги тарғиботи ҳамда қуйи босқичлари доирасида ёшларнинг қамрови етарли даражада бўлмаёттир, маҳалла босқичлари иштирокчиларини ва голибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш механизми белгиланмаган.

Шунингдек, ёшлар етакчилиги томонидан Ёшлар бандлиги дастурини маҳаллада амалға ошириш бўйича яратилган имкониятларнинг маҳаллалардаги ёшларга етказилишида сустхалликка йўл қўйилаётгани, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар билан интеграция алоқалари тўлиқ йўлга қўйилганига натижада давлат томонидан берилган имтиёзлардан ёшлар тўлақонли фойдалана олмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. “Ёшлар дафтари” жамғармасига ажратилган маблағлар айрим туманларға ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаётгани ҳамда маблағларни тақсимлаш механизми тўлиқ таъминланмаётгани аниқланди.

Бундан ташқари, ўрганишлар давомида ёш фермерларға ажратилган ер майдонларининг унумдорлиги, сурорилиши ва инфратузилма мавжудлиги “Ёш фермерлар” дастури доирасида яратилган “yoshfermer.uz” платформасида кўрсатилган маълумотлардан фарқ қилиши маълум бўлган.

Юқорида келтирилган муаммолардан келиб чиқиб, парламент сўровида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун ўтказилган тадбирлар, уларни касб-хунарға ўқитиш ва иш билан таъминлаш бўйича кўрсаткичлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият ва хусусий сектор билан ҳамкорлик алоқалари каби масалалар қамраб олинди.

Мажлисида парламент сўровини юбориш тўғрисидаги қарор маъқулланди.

«Халқ сўзи».

МАЪНАВИЯТ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Глобallasуw жараёни, фикрлар хилмахиллиги кучайган бугунги кунда мафкуравий тахдидларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш тобора мураккаблашиб бораётир. Айрим ҳолларда сунъий интеллект ҳамда рақамли технологияларнинг шиддат билан ривожланиши ахборот оқимини тезлаштириш баробарида маълумотларни сохталаштириш, кибержиноят авж олишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу, айниқса, ёшлар маънавияти учун жиддий хавф тугдиряпти.

Мулоҳаза



қилувчи аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Тахдидларга маънавий тарбия билан жавоб берилади

Ёшлар маънавий оламнинг дахл-сизлигини асраш учун нималарга таяниб иш олиб боришимиз керак, деган саволлар ҳаётда кўп учрайди. Чунки ҳар бир жамиятнинг келажиги унинг ёшлари билан белгиланади. Навқирон авлоднинг

ғояларга тез берилувчан бўлиб қолади. Натижада жамиятда жиноятчилик, зўравонлик, экстремизм каби иллатлар кўпайиши мумкин. Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ҳамда ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Бундай тахдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуқсиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

Улуғ аждодларимиз ўз даврида қомил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринлидир. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал толган орно-мус, уят, андиша, шарму ҳаё, ибодат ва ифбат каби юксак ахлоқий тўғу ҳамда тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Шу маънода, Президентимиз таълим соҳасида боғдан тортиб олий ўқув юртларининг сифатида ҳам жиддий эътибор қаратиб, ушбу йўналишни ривожлантиришнинг аниқ ва самарали “Йўл харитаси”ни чиғиб беряпти. Бу эса ёшларни маънавий қамолотга етказиш ва уларнинг малакали кадрлар бўлиб

да. Дунёнинг турли чеккаларидаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш дунёқарашни кенгайтириш, ўз-ўзини тарбиялаш, ёшларни сиёсий жиҳатдан қамол топтириш, ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг қудратли воситаларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Аммо бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, халқаро ҳамжамиятда ўз макеини кучайтириб бораётган юртимизга ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар ўз манфаатларига йўналтирилган мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали ёшларимизнинг онги ва қалбини эғаллаб, улар фаолиятини ўз таъсирига олиш, ўз измига солишга уринмоқда.

Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчағида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа Ер юзининг бошқа бир четидан дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ минтақа ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсири ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонида ҳаракат шунчалар тезкорки, энди илгиривидеи, “бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ”, деб бепарво ўтириш ярамайди. Сир эмас, баъзан беозоргина тўюлган муслика, оддий мулътфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Жамоатчилик масъулиятини ошириш зарурати

Ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орақсидан эргашиб кетаятгани биз учун энг катта хавф. Ҳали мустақил фикрлаш, ахборотлар оқимида, интернет ҳамда бошқа воситалар орқали тарқатилаятган материалларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш олиш имкониятига эга бўлмаган ёшларнинг “ғоявий заҳарланиш”дан сақланишнинг бизнингча, икки йўли бор.

Биринчиси — тақиклаш ва бу йўлнинг самарасиз эканини тарих аллақачон исботлаган. Чунки халқни ахборотнинг “темири қафаси” ичида сақлаш мумкингина эмас, ҳатто зарарлидир. Иккинчиси эса тарбия йўлидир. Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмизда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, муқаддас динимизга соғлом муносабатни қарор

топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур.

Қолаверса, таълим-тарбия тизимида ўқитишнинг янги, изчил ва самарали услублари жорий этилиши даркор. Умуман, мактаб, лицей ёки коллеж учун янги бино қуриш, уни замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш мумкин, аммо ўқитишда сифат ўзгаришларига эришмасдан, юксак малакали, касбини жон дили билан севган фидойи муаллимларни тайёрламасдан, қўзланган мақсадларга эришиш қийин.

Давлатимиз раҳбарининг таълим сифати ҳақида жон қойиётгани сабаби ҳам шунда. Бизнингча, аввало, педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг замонавий талаблар асосида тақомиллаштирилиши ана шу мақсадга йўналтирилиши лозим. Шу билан бирга, фарзандлар таълим-тарбияси борасида фақат ўқув юртининг эмас, ота-она, маҳалла-қўй ва кенг жамоатчилик масъулияти ҳам оширилиши шарт.

Айрим ёшларимизнинг ақидараствлар таъсирига берилаётгани, гиёҳвандлик ва жиноятчилик йўлига кириб қолаётгани, таълим-тарбия жараёнида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ўқув юрти, ота-она, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, ёшлар тарбияси учун масъул бўлган ташкилотлар фаолиятидаги номувофиқликдан, улар ўртасида изчил ҳамда самарали ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганидан дарак беради.

Миллатни, халқни, асосан, аёл тарбиялайди. Биз беғиж Тўмарис, Мумтозмахал, Нодира, Увайсийни кўп тилга олмаймиз. Чунки уларда миллат ва аёлга хос юксак фазилатлар, ўрни келганда, эркаклардан-да аъло жасоратни, заковатни кўрамиз. Фарзандларда, ёш авлодда неки бор, яхши-ёмон феъллар, характерлар меъмори биз васф этаётган аёлдир.

Бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгига соғлом ҳаёт тарзи, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром тўғрисида болалик пайтидан бошлаб шакллантириш гоъят муҳим. Бу йўлда оила, мактаб ва жамият бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, қўзланган эзгу мақсадларимизга эришамиз ҳамда барқамол жамиятни барпо этамиз.

Модарин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институтининг ректори, профессор.

ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ УЛУҒЛАШ — МУЗАФФАР БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ



Хабар берилганидек, Англиянинг Ливерпуль шаҳрида ўтказилган бокс бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 6 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медалларини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кеча Ватанимизга қайтиб келди.

Музаффар боксчиларимиз Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали равишда қўтиб олindi.

Фахр

Ушбу маросимда Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакат Бокс федерацияси мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, мухлислар ҳамда спортчиларнинг яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда кейинги йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, пировардида ҳар томонлама етук ҳамда барқамол авлодни воғга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар эса салмоқли. Тизимдаги тўб ислохотлар самарасида қўллаб спорт турлари қатори бокс ҳам ёшлар ўртасида жадал ривожланаётир. Бугунги кунда ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари — Олимпия ҳамда Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришиб келяпти.

Шу йилнинг 4 — 14 сентябрь кунлари Ливерпуль шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати бунга яққол мисол бўла олади. Дунёнинг 60 мамлакатидан ташриф буорган 500 дан зиёд чарм қўлқоп усталари ўртасида ўзбек боксчилари ҳеч қимдан қам эмаслиги ва қам бўлмаслигини амалда исботладди.

“World Boxing” ташкилоти томонидан биринчи марта ташкил этилган ушбу нуфузли жаҳон чемпионатида Абдумалик Халоқов, Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Фазлиддин Эркинбоев, Жаҳонгир Умматалиев, Акмалжон Исроилов ва Тўрабек Ҳабибуллаев ўз вазн тоифаларида олтин медални қўлга киритди. Навбахор Ҳамидова ҳамда Жаҳонгир Зокиров финалга қадар ўтган беллашувларда зафар қўчиб, делегациямиз ҳисобига қумуш медални тақдим қилган бўлса, Сабина Бобоқуллова, Феруза Казакова ҳамда Азиза Зокирова бронза медали билан тақдирланди.

Шундай қилиб, жаҳон чемпионатининг эркаклар ўртасидаги беллашувларида олтига олтин ва битта кумушга эга чиққан Ўзбекистон терма жамоаси медалъ жамғаришда биринчи бўлди. Умумжамоа ҳисобида эса вакилларимиз иккинчи ўриндан жой олди.

...Боксчиларимизнинг қай бири билан суҳбатлашманг, уларда улкан шижоат ва ишончни кўрасиз. Икки қарра жаҳон чемпиони А.Мўйдинхўжаевнинг айтишича, давлатимиз раҳбарининг спортга қаратаётган эътибори ҳамда спортчиларга билдираётган катта ишончи, мураббийларнинг маслаҳати ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши эришилаётган муваффақиятларнинг асосий омилли бўлаётир.

Шуни фахр билан айтиш мумкинки, бизнинг енгилмас боксчиларимиз бундан кейин ҳам нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, уни янада улуглаш йўлида бор куч-ғайратини ишга солади. Зеро, уларнинг мақсадларидан яна бири, бу — 2028 йили АҚШ мезбонлигида бўлиб ўтадиган XXXIV Олимпия ўйинларида ҳам олтин медалларни қўлга киритишдан иборат.

Бу мақсадлар йўлида музаффар спортчиларимизга омад тилаймиз!

«Халқ сўзи».

«ЕМАГАН СОМСАНИНГ ПУЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?»

Жазирама кунлар ортда қолиб, бироз салқин ҳаво эпкинлари эса бошлади. Табиийки, энди қишнинг совуқ, изгиринли кунларига тайёргарликни ҳам бошлаб юбориш керак. Ахир “Қишнинг бир куни ҳам қиш” деган нақл беғиж айтилмаган!

Во, ажаб

Аҳоли учун-ку, бу иш унчалик ҳам мураккаб эмас, ундаги иситиш жиҳозларини шайлаб, зарур таъминотни мустаҳкамлаб қўйса бўлгани. Аммо бир неча юзлаб хонадонларга марказлашган иссиқлик манбаи етказиб бериши лозим бўлган қорхоналарга қийин. Улар қишга пухта тайёргарлик кўрмаса, эртага панд еб қолиши ҳеч гап эмас.

Қашқадарё вилоятидаги кўп қаватли хонадонларга марказлашган иссиқлик манбаи хизматини кўрсатадиган вилоят “Иссиқлик таъминоти” масъулиятли чекланган жамияти ҳам айтиш кунларда қишки мавсумга пухта ҳозирлик қўриш ҳаракатида. Аммо бу жараён фақат ўзларигагина боғлиқ иш эмас. Тайёргарликнинг етарли даражада бўлиши, хизмат кўрсатиш сифатининг янада ошиши кўп жиҳатдан аҳолининг белгиланган тўловни ўз вақтида амалга оширишига ҳам боғлиқ. Айни пайтда эса бу борада муаммолар талайгина.

Масалан, биринчи август ҳолатига вилоят “Иссиқлик таъминоти” МЧЖнинг дебитор қарздорлиги 1 млрд. 794 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бу пулни йиғиб олмадан туриб, фаолиятни давом эттириш қийин, албатта.

Шу мақсадда қорхона ходимлари истеъмолчиларга талабнома юбориб, қарздорлиқни ўз вақтида бартараф этиши зарурлиги, акс ҳолда ундирув суд орқали амалга оширилиши ҳақида огоҳлантиришди. Бундан қўллаб аҳоли вакиллари норози бўлди. Чунки...

— Қарши шаҳридаги 2-митти ту-мандаги хонадонлардан бирида яшайман, — дейди Сарвиноз Бур-хонова, — Уйимиз турмуш ўртоғимнинг номида. Шу ерда қарийб 15 йилдан буён истикомат қиламиз. Биз ўйни сотиб олганимизда ичкаридаги иссиқлик тизимлари олиб ташланган эди. Айни пайтда ҳам марказлашган иссиқлик манбаи уланмаганимиз. Аксарият қўшниларимизда ҳам шу ҳолат. Лекин ҳар йили “Иссиқлик таъминоти”дан келиб, қарзни тўлаши-

мизни талаб қилишади. Иссиқлик манбаидан фойдаланмаётганимизни айтсак, “Бунинг фарқи йўқ, ҳамма тўлаши керак” деган жавобни оламиз.

Бизга мурожаат қилган яна бир неча фуқароларнинг айтишича, 2000 йиллар бошидан бошлаб қарийб 15 — 20 йил давомида Қарши шаҳрининг аксарият ҳудудларида марказлашган иссиқлик манбаи ишламаган. Натижада улар кераксиз деб ҳисоблаган иситиш тизими қурилмаларини олиб ташлаб, бошқа индивидуал иситиш воситаларидан фойдаланишга ўтишган.

Сўнги уч-тўрт йил ичида эса бу борадаги вазият ўзгарди. Эски қозонхоналар таъмирланиб, ишдан чиққан тизимлар янгиланди. Лекин ҳали ҳамма ҳам марказлашган иситиш тизимига қайталангани йўқ. Қимдир индивидуал иситиш тизимларидан фойдаланишни афзал қўраётган бўлса, яна бошқа бировнинг бунга имконияти етмаётган. Масалан, тизимга янгидан уланмиш учун зарур қурилма ва жиҳозларни сотиб олиш қиммида 5 млн. сўмдан ортқ харажатни талаб этар экан. Бунга ҳамманинг ҳам қўриб етмайди.

“Иссиқлик таъминоти” МЧЖ масъулари эса ана шу ҳолатни ҳисобга олмасдан, барчадан бирдек тўлов талаб қилмоқда. Юзага келган миллионлаб норевал қарздорлиқни шу

йўл билан бартараф этишмоқчи, шекли.

Аслида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Қўп квартиралар уйларида иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари”нинг 4-банди талабларига кўра, иссиқлик манбаини етказиб беришчи қорхона хизматни истеъмолчилар билан икки томонлама (ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, бошқарувчи ташкилот ва бошқалар ҳам жалб этилганда уч томонлама) шартнома асосида амалга ошириши зарур. Бугунги ҳолатда эса “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ вилоят бўйича 13 700 та хонадонга марказлашган иссиқлик манбаи етказиб бериши кўзда тутилган бўлса, уларнинг 6300 дан ошиги билан расман шартномалар тузилган. Қолган хонадонлар эса хатлов қилинмаган. Уларнинг қай бири чиндан ҳам иссиқлик манбаидан фойдаланаяпти, қайсиси йўқ, бу маълум эмас.

Ҳўш, бу ҳолатда барча истеъмолчилардан бирдек тўлов талаб қилиш қанчалик ўринли?

— “Қўп квартиралар уйларида иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари”га кўра марказлашган иситиш тизими орқали иситилиши белгиланган хонадонлар уй ичидаги иситиш қурилмала-

рини ўзбошимчилик билан олиб ташлаши мумкин эмас, — дейди Қашқадарё вилояти “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ раҳбари Қажрамон Жўраев. — Тўғри, кўп йиллар давомида тизим ишламади, натижада фуқароларнинг индивидуал иситиш қурилмаларидан фойдаланишга ўтганини тушунамиз, лекин энди ишлаяпти-ку. Демак, истеъмолчилар ҳам энди тармоққа уланмиш зарур-да. Бу хавфсизлик бўйича ҳам, хизматнинг арзонлиги борасида ҳам қулай.

Масъулининг ушбу талабида ҳам жон бор. Лекин “У қилиш керак, бу қилиш керак” деган иддаолар билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Қачонки “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ барча истеъмолчилар бўйича хатлов ўтказиб, расман шартномалар тузиш, тармоқдан узилган хонадонларга тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳам таъминланган хонадонларнинг тизимга қайта уланishi учун қулайлиқлар яратиш йўллари ҳақида бош қотирмас экан, икки томон ўртасидаги низо ва муаммолар ечимисиз қолаверади.

Аммо ёддан чиқармаслик керак: энди халқни кўрқитиб, “фалон жойдан келдим” деб алдаб пулни олиб бўлмайди. Қонун ҳамма учун баробар.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Президент Фармони лойиҳасига кўра, Зулфия номидаги Давлат мукофотини тиббиёт соҳаси учун алоҳида йўналиш сифатида бериш таклиф қилинмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашир индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопчибағ 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлаёғалар тақриз қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусахҳис — С. Исломов.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.50 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6